



Жанубий ҚОЗОҒИСТОН

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 13 август, сешанба, №88 (3434).

»» Президент

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЯПОНИЯ БОШ ВАЗИРИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТДА БЎЛДИ

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев Япония Бош вазири Фумио Кишида билан телефон орқали мулоқотда бўлди.

Қасим-Жўмарт Тўқаев Япониядаги зилзила муносабати билан япон халқиға сабр тилади ва табиий офат оқибатлари тезроқ бартараф этилишига умид билдирди. Ўз навбатида, Фумио

Кишида Қозоғистонга расмий ташрифни, жумладан, "Марказий Осиё+Япония" мулоқотининг биринчи саммитидаги иштирокини кечиктиришга мажбур бўлганидан афсусда.

Сўхбат чоғида Қасим-Жўмарт Тўқаев ва Фумио Кишида Қозоғистон – Япония муносабатларининг бугунги ҳолати ва тараққиёт истиқболларини муҳокама қилдилар, минтақалараро интеграция масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Akorda.kz.

24.kz.

МЕЪМОРИЙ ЛОЙИҲАЛАР ҲОКИМ НАЗОРАТИДА

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди раислигида ўтган йиғилишда Туркистон шаҳри ва вилоят аҳоли манзилларида амалга оширилаётган меъморий лойиҳалар муҳокама қилинди.

Хусусан, Туркистон шаҳридаги маъмурий-ишбилармонлик марказида барпо этиладиган «Мазнавият саройи» ва болалар боғчаси лойиҳаси кўриб чиқилиб, мазкур ҳудуддаги уй-жой мажмуалари ва савдо иншоотларининг олд қисмини пардозлаш намуналари кўрсатилди. Маданият уйи ва янги боғ макети, "Култпеа

шаҳарчаси", "Буюк ипак йўли" лойиҳалари пухталанди. Лойиҳаларнинг меъморий бе-заклари юзасидан билдирилган таклифларни тинглаган вилоят раҳбари сифатга эътиборни кучайтириш, айрим лойиҳаларга ўзгартиришлар киритиш юзасидан топшириқлар берди. – Иншоотларнинг меъморий



лоийҳаларида шарқона услубга устувор аҳамият қаратилиши керак. Туркистон шаҳрининг ўзига хос қиёфаси, қурилиш тизими бўлиши шарт. Ҳар бир лойиҳани таҳлил қилиш зарур. Бинолар қурилишида даракларни қирқмай, айланиб ўтишга ҳаракат қилинлар. Янги иш ўринлари яратишни кўзлаётган иншоотлар қурилишини қўллаб-қувватлаймиз. Лекин тадбиркорлар бизга йўл харитасини тақдим этиб, ишни ўз вақтида бошлаши керак. Қурилиш кечиктирилса, ер давлатга қайтарилади, – деди Дархан Сатибалди.

Мажлисида Култпеа шаҳарчаси ҳудудидаги сайёҳлик иншооти, шаҳар ҳудудида шарқона услубдаги миноралар қуриш, эшак эшиш каналини сайёҳлик

иншоотга айлантириш учун бинолар барпо этиш масаласи муҳокама қилинди. Шунингдек, "Хунармандлар маркази"ни барпо этиш лойиҳаси таҳлил қилинди.

Ҳар бир иншоот бўйича тегишли кўрсатмалар берилди. Улар иш режасига киритилди.

Йиғилишда Келес, Саврон ва Сариеоғоч туманларида қуриладиган Маданият уйлари лойиҳалари пухталанди. Бундан ташқари, Жетисай, Мақтаарал, Ўрдабоши, Сариеоғоч, Чордара туманлари ва Арис шаҳрида бинолар ва ижарага бериладиган уй-жойлар лойиҳаси бўйича таклифлар билдирилди.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

КЕНГАШГАНГА – КЕНГ ДУНЁ

ҚОЗОҒИСТОН ВА РОССИЯ АЛТАЙ ҲУДУДИДАГИ ЧЕГАРА МАСАЛАСИ БЎЙИЧА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

натига кўрсатди, бунга йил давомида фаолият юритувчи Манжерок тоғ-чанги курорти ижобий таъсир кўрсатди. Бундан ташқари, ҳудудда «Бирюзовый катушь» деб номланувчи махсус иқтисодий мажмуа мавжуд. Кўп иншоотлари бор. Ҳозир аэропорт қурилиши давом этмоқда. Бу мамлакатимиз харитасида янги ва жуда кучли нуқтадир. Умуман олганда, Алтай узоқ вақтдан бундан жозибдор бўлиб келган, ҳозир у ерда қулай шароитлар яратилган ва у ўзига хос суръатда ривожланмоқда, – деди вазир.

Музтов – Алтай тоғлари ва Сибирнинг энг баланд нуқтаси. Шарқий Қозоғистон вилояти ва Алтай Республикасининг Усть-Коксинский тумани ҳудудида жойлашган.

24.kz.



Қозоғистон жаҳон ОАВларида

Ўтган ҳафтада ҚР Президентининг "Егемен Қазақстан" газетасида чоп этилган "Марказий Осиё ренессанси: барқарор тараққиёт ва фаровонлик йўли" мақоласи жаҳон нашрларининг эътиборидан четда қолмади. Шунингдек, хорижий ОАВ Қозоғистоннинг Ўзбекистон билан экспорти, Озарбайжон ва Туркия билан тузилган шартномалар, ҚҚК (Каспий қувурлари консорциуми) орқали ташлаётган Қозоғистон нефти ҳажми ҳақида ёзди. Батафсил қуйидаги шарҳимизда ўқинг.

Trend:

Транскаспий халқаро транспорт йўналиши – барқарор тараққиёт ва фаровонлик йўли

Қозоғистон Транскаспий халқаро транспорт йўналишини фаол ривожлантирмоқда. Бу ҳақда Қозоғистон Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг "Марказий Осиё ренессанси: барқарор тараққиёт ва фаровонлик йўли" номли мақоласига таяниб, Озарбайжоннинг Trend нашри хабар берди.

– Марказий Осиё минтақаси кундан-кунга жаҳон транспорт муносабатларининг асосий тармоғига айланиб бормоқда. Бунда, биринчи навбатда, Хитой ташаббуси билан амалга оширилаётган истиқболли "Бир белбоғ – бир йўл" лойиҳаси ва "Шимол-Жануб" халқаро транспорт йўлагини қайд этиш мумкин. Бу лойиҳаларда минтақанинг барча давлатлари маълум даражада иштирок этмоқда. Эндиликда давлатларимиз янги транспорт йўлакларини шакллантириш билан боғлиқ бошқа муҳим гоёларни амалга оширишга киришдилар. Қозоғистон ўз ҳамкорлари билан биргаликда Транскаспий халқаро транспорт йўналишини жадал ривожлантирмоқда. Бу йўналиш бўйича ташлаётган юклар ҳажми ўрта муддатли истиқболда беш бараварга ошиши мумкин, – деди Қ. Тўқаев.

Қозоғистон Президенти минтақада дунёдаги муҳим транспорт-логистика ва транзит марказларидан бирига айланиш учун барча имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

Daryu:

Қозоғистоннинг Ўзбекистонга алюминий экспорти 10 баравар ошди

Алюминий экспорти 2024 йилнинг дастлабки тўрт ойида 10 баравар ошди, 2100 тоннага етди. Мутахассислар бу жарафни ишлаб чиқариш фаол ривожланаётган Ўзбекистонда алюминийга талаб ортиб бораётгани билан боғлашмоқда.

Ўтган йили Тошкент яқинида алюминий профиллар ишлаб чиқарадиган янги завод ишга туширилди. У ҳозирда дунёнинг 50та давлатига, жумладан, Қозоғистонга ҳам ўз маҳсулотларини экспорт қилмоқда. Завод ҳар бири 10 гектар майдонни эгаллаган иккита ишлаб чиқариш линияси билан жиҳозланган бўлиб, унинг қуввати йилга 50 минг тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

Завод таъсисчиси Тоҳир Шарипов Қозоғистондан алюминий етказиб бериш узлуқсиз давом этаётгани, божхона тўловларининг йўқлиги, самарали географик жойлашуви транспорт харажатларини камайтиришини таъкидлади. Тез орада завод қувватини икки баравар оширишни режалаштирмоқда.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар қаторига қурилиш материаллари, мебель, маиший техника ва автомобиль эҳтиёт қисмлари қиради. Асосий харидорлар Ўзбекистон компаниялари, бироқ завод ташқи бозорни, жумладан, АҚШ ва Европа мамлакатларини фаол ривожлантирмоқда.

Ўз навбатида завод "Назорат ва сифат бошқармаси" бошлиғи Камел Милиев ишлаб чиқариш учун хомашё хориждан, жумладан, Россия ва Қозоғистондан харид қилинаётганини таъкидлади.

Trend:

Қозоғистон ва Озарбайжон киберхавфсизлик соҳасида меморандум имзолади

Икки давлат вакиллари киберхавфсизлик соҳасида ўзаро англашув меморандумини имзолади, дея хабар берди Trend нашри.

Ҳужжат ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик соҳасида ҳамкорликда фаолият юритиш, шунингдек, томонлар ўртасида маълумотлар ва тажриба алмашиши назарда тулади. Электрон хавфсизлик хизмати Озарбайжон Президентининг 2023 йил 28 август Фармони билан тасдиқланган "2023-2027 йилларга мўлжалланган Озарбайжон Республикасининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик стратегияси"га мувофиқ, бошқа мамлакатларнинг шу каби ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича ишни давом эттираётганини маълум қилди.

Anadolu:

Қозоғистон ва Туркия сунъий заковат, космик ва сунъий йўлдош технологиялари соҳасида ҳамкорликни кучайтиради

Туркия Саноат ва технологиялар вазири Мехмет Фотиҳ Қажир Қозоғистон рақамли тараққиёт, инновациялар ва аэрокосмик саноат вазири Жаслан Мадиев билан учрашди.

Маълумотларга кўра, вазир билан учрашувда муҳим қарорлар қабул қилинган.

– Туркий давлатлар ташкилоти доирасида ва икки томонлама даражада сунъий заковат, космик ва сунъий йўлдош технологиялари, технологик тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштиришга келишиб олдик. Шу нуқтаи назардан биз қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ва ўзаро ахборот алмашиш бўйича муҳим қарорлар қабул қилдик. Келгусида икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлигимизнинг маънавий асосини мустаҳкамлайдиган келишувларни имзолаш бўйича тўлиқ консенсусга эришдик, – деди Мехмет Фотиҳ Қажир.

Шунингдек, вазирлар ушбу ҳамкорлик минтақанинг технологиялар ва инновациялар соҳасидаги салоҳиятини янада оширишига ишонч билдирди.

24.kz.

БУЮК МУТАФАККИР АБАЙНИ ХОТИРЛАБ



2020 йилдан бошлаб мамлакатимизда Абай куни кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан Туркистон шаҳрида махсус тадбир уюштирилди. Унда вилоят ҳокими ўринбосари Ертай Алтаев, зиёлилар, кутубхоначилар, истеъдодли ўқувчилар иштирок этди.

Тадбир меҳмонлари дастлаб китоб кўргазмаси билан танишди. Шундан сўнг, вилоят ҳокимининг ўринбосари ва бир гуруҳ зиёлилар Абай ҳайкали пойига гулчамбар қўйишди.

Вилоят оқсоқоллар кенгаши раиси Жарилқасим Азиретбергенов Абай ҳикматларини ёшларга тарғиб қилиш зарурлигини таъкидлади.

Ертай Кенжебекули тадбирнинг моҳиятига тўхталиб, жумладан шундай деди:



– Бугунги тадбир қозоқ маданияти ва адабиётида муҳим аҳамиятга эгадир. Буюк мутафаккир Абай Қунанбайулининг ижоди ва меҳнатларини улуғлаш – бурчи-

миздир. Ушбу кун “Абай ўқишлари” халқ акцияси, “Абай ҳикматлари” адабий челенджи, илмий анжуманлар ва абайшунос олимлар билан ижодий учрашувлар орқали кенгроқ тарғиб қилинади, – деди вилоят ҳокимининг ўринбосари.

Туркистон шаҳар “Болалар ва ўсмирлар маркази” тарбияланувчилари Абай ижодидан намуналар ўқиди. Қозоғистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят филиали раҳбари Айдар Сейдазим бошчилигидаги ижодкорлар шоирнинг шеърларидан ўқиб беришди.

Таъкидлаш жоизки, Абай Қунанбайулининг 179 йиллиги муносабати билан “Фараб” кутубхонаси

“Абайни ўқи, ижро эт” мавзuida адабий тадбирлар ўн кунлигини бошлади.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

АБАЙГА ЭҲТИРОМ – ВАТАНГА ЭҲТИРОМ

Сайрам туманида машҳур шоир, маърифатпарвар ёзувчи Абай Қунанбайулининг таваллуд кунига бағишланган “Абай донолиги” мавзuida маданий-маърифий тадбир ўтди.

Унда туман ҳокимининг ўринбосари Мадияр Алипов сўзга чиқиб, туман аҳлини аҳамиятга молик айём билан кутлади.

Келажак авлод учун ўрнатилган, мазмунга бой тадбирда туман маданият уйининг санъаткорлари Абай ижодидан қўшиқлар куйлаб, шеърлар ўқиди.

Тадбир давомида томошабинлар эътиборига “Бала Абай”, “Дара Абай” ҳамда “Дана Абай” номли сахна кўринишлари намойиш этилди.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.



Жетисай туманидаги маданият уйларида тўла таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Туман ҳокими Серик Мамитов ва туман маслаҳати раиси Медет Қасимов қурилиши олиб борилаётган маданият уйларида бўлиб, жараён билан танишди.

Қарақай қишлоқ округига қарашли Сатпаев аҳоли манзилидаги 1986 йилда фойдаланишга топширилган бунён таъмирланмаган маданият уйини таъмирлаш ўтган йилнинг май ойида бошланган.

МАДАНИЯТ УЙЛАРИ ТАЪМИРЛАНМОҚДА

Келгуси йили фойдаланишга топшириладиган маданият уйида кутубхона, спортнинг волейбол, футбол ва шахмат, шунингдек, куй, қўшиқ ва рақс тўғрақлари фаолият бошлайди.

Туман раҳбари Мирзачўл қишлоғида жойлашган маданият уйида ҳам бўлди. Сўнги 10 йилда

фаолияти тўхтаб қолган маданият масканига вилоят бюджетидан 236 млн. 223 минг тенге ажратилди. Жами 732,4 квадрат метр майдонда тубдан таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

АГРОСАНОАТ СОҲАСИ – ФАРОВОН ТУРМУШИМИЗ МЕЗОНИ

Қуни кеча Президентимиз ташаббуси билан “Ҳисобот берувчи давлат” концепцияси доирасида минтақа раҳбари Дархан Сатибалди иштирокида ўтган йўналишда жорий йилнинг биринчи ярмида вилоят ижтимоий-иқтисодий тараққиёти натижалари сарҳисоб қилиниб, келгуси даврга мўлжалланган режалар муҳокама қилинган эди.

Вилоят қишлоқ хўжалик бошқармаси раҳбари Нурбек Бадирақов олиб борган йўналишда агросаноат соҳасида амалга оширилган ишлар ва давлат дастурларининг ижроси муҳокама қилинди.

Маърузачининг сўзларига кўра, ўтган ярим йиллик якунларига кўра қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқарилган умумий маҳсулот ҳажми 216,9 млрд тенгени ташкил этди ва ўсиш 107,1 фоизга етди. 2024 йилнинг январь-июнь ойларида соҳага 58,2 млрд тенге сармоа жалб этилди.

Вилоятда “Қишлоқ омонати” дастурини амалга ошириш доирасида 2024 йил учун республика бюджетидан 10,6 млрд тенге маблағ йўналтирилган. Лойиҳада 62та қишлоқ ва 62та ширкат иштирок

этди. Дастурнинг ижроси натижасида 1215та лойиҳа қўллаб-қувватланиб, 1701та иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, жорий йилда дастурни AMANATNESIE.KZ электрон платформаси орқали амалга ошириш режаланган. Бунинг учун республика бюджетидан 1 млрд тенге маблағ ажратилди.

Бундан ташқари, жорий йилда вилоятда 873 минг гектар майдонга қишлоқ хўжалиги экинлари экилди. Республикада ўрм-ийғим кампанияси Туркистон вилоятидан бошланди. Бугунги кунда экиш режалаштирилган 248,2 минг гектар майдон ҳосили ўрилиб, 624 минг тонна ғалла йиғиб олинди.

Вилоятдаги иссиқхоналар майдони 1 минг 640 гектарни ташкил этади. Бугунги кунга қадар иссиқ-

хоналардан 152,4 минг тонна маҳсулот етиштирилди. Шунингдек, вилоятимиз чорвачиликни ривожлантириш бўйича республикада етакчи ўринларда.

– Республикада қорамолнинг 14 фоизи, қўйнинг 23 фоизи, отнинг 11 фоизи, туянинг 15 фоизи, етиштирилган гўштнинг 12 фоизи, сутнинг 14 фоизи Туркистон вилоятига тегишли. Вилоят гўшт экспорти бўйича республикада етакчи. Экспорт қилинадиган қорамол гўшти улуши 80 фоизи, майда қорва молларининг 75 фоизи вилоят ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, вилоятда 9183 бош қорамол боқиш пунктлари мавжуд, – деди бошқарма бошлиги.

2030 йилгача вилоятимизда 216,3 минг гектар майдонда сувни тежаш технологияларини жорий этиш режалаштирилган. Жорий йилда вилоятда олти ойда 13,1 минг гектар майдонда сувни тежаш технологиялари жорий этилди.

Вилоят минтақавий
алоқалар хизмати.



ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Туркистон минтақасидаги 55-сонли жинорий ижро тизими муассасасида судланган 750 нафар фуқаро жазо муддатини ўтмоқда.

Ўтган ойдан бошлаб Ленгер шаҳар шифохонаси комиссия қарори билан мазкур муассасага тиббий хизмат кўрсатишни бошлади. Айни дамда 102 нафар судланувчи диспансер назоратига олинган. Бугунги кунда минтақанинг соғлиқни сақлаш соҳасига масъул раҳбари, вилоят ҳокимининг ўринбосари Бейсенбай Тажибаев раислигида йиғилиш ўтди.

Мазкур мажлисга Шимкент шаҳар ҳамда Туркистон вилояти бўйича жинорий ижро тизими департаменти, вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, полиция ва тиббий муассасаларнинг раҳбарлари ҳамда вакиллари, туман-шаҳар ҳокимликларининг масъул ўринбосарлари иштирок этишди. Тадбирда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг раҳбари Асхан Байдуалиев маъруза қилди.

– Масала кўрсаткичларда эмас, балки ишда. Айни пайтда тиббий ёрдам хизматни кучайтириш зарур. Кўп рўйхатга олинган хасталиклар қаторида қон айла-ниш тизими хасталиклари, юрак хаста-

ликлари, эндокрин тизими касалликлари рўйхатга олинган. Бундан ташқари нафас олиш тизими ва ошқозон-ичак хасталиклари, гепатит сингари касалликлар ҳам бор. Жазо муддатини ўтаётганлар ҳам давлатимиз ҳимоясида эканлигини унутмаслигимиз керак. Фуқароларнинг даволаниш тартибини кўриб чиқинглр. Ҳамкорлик қилинглр, – деди вилоят ҳокимининг ўринбосари.

Сўнг мажбурий ижтимоий тиббий сугурта бўйича минтақавий штаб мажлиси ўтиб, D ва E тоифасида сугурта қилинмаган аҳолини жалб этиш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидлаш жоизки, вилоятимизда сугурта қилинмаган 380 мингдан зиёд одам бор. Шаҳар, туман доирасида со-ни жиҳатидан юқори кўрсаткичга эга 3 туман, 1 шаҳарнинг сугурта қилинмаганлар сони 170 мингдан ошади. Бу вилоятдаги ДИТС тизимидаги сугурталанмаган аҳолининг 45 фоизини ташкил этади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»» Қарзсиз жамият

МАНСАБДОРЛАРГА ЧЕКЛОВ ҚЎЙИЛАДИ



Ўйин бизнеси ва уюшган жиноятчиликка оид янги қонун бўйича мажлис ўтди.

Давлат раҳбари июль ойида “Қозоғистон Республикасининг баъзи қонунлари – ўйин бизнеси, лотерея хизмати, соғлиқни сақлаш, давлат меҳнат инспекцияси, давлат назорати ва қонун ҳужжатларини ортиқча созлашнинг олдини олиш масалалари юзасидан ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Қозоғистон Республикаси Қонунини имзолаган эди.

Шу муносабат билан вилоят ҳокими девони раҳбари Еркеғали Алимқулов раислигида мажлис ўтди. Кун тартибда жамиятда асосий масалага айланган қимор ўйинлари тўғрисидаги Қонун ва ички тартиб масалалари муҳокама қилинди.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

ЙЎЛЛАР СИФАТИ ҚАТЪИЙ НАЗОРАТДА

Йўлларнинг сифати қатъий назоратда. Ишлар сифати (асфальт-бетон қопламасининг мустаҳкамлиги устки қатламнинг зичлигини аниқлаш мақсадида йўллар мунтазам текширилмоқда.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Зулпихар Жўлдасов соҳага масъул раҳбарлар иштирокида мазкур соҳадаги долзарб масалаларни муҳокама қилди. Сифатга эътибор қаратмаётган, ишда камчиликларни бартараф этмаган туман, шаҳар раҳбарлари ҳамда мутасадди шахсларни танқид қилиб, уларга тегишли топшириқлар берди.

Йўл қурилиши бўйича олинган таҳлиллар натижасида қатор камчиликларни аниқланди. Бугунги кунда уларни бартараф этиш учун ишлар амалга оширил-

моқда. Аниқланган нуқсонлар бартараф этилмоқда.

Жорий йилда вилоятда автомобиль йўлларини ободонлаштириш учун бюджетдан 37,6 миллиард тенге маблағ ажратилиб, умумий узунлиги 11000,3 қақиримни ташкил этадиган йўллар ва кўчалар ёки 244та иншоотни қамраш режаланган. Хусусан, вилоят автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 17 минг 702 қақиримни ташкил этади. Вилоят аҳамиятига молик йўллар режа асосида ободонлаштирилмоқда.

Жорий йилда 19та иншоот ёки 97,3 қақирим автомобиль йўлини тубдан ва ўртача таъмирлаш ишларига маблағ ажратилган. Унинг 31 қақиримли 8та иншооти ҳамда 4та кўприк қурилиши йил охиригача поёнига етади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»» Обуначиларимиз орасида

ЖАЛИЛ АБДУЛЛАЕВ НОМЛИ ЗАКОВАТ МАКТАБИДА

Саврон туманига қарашли, 7000дан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган Югнак қишлоғида 1200 ўринли ягона умумтаълим мактаби ўтган асрнинг саксонинчи йиллари ўрталарида фойдаланишга топширилган эди. Мана, орадан қарийб қирқ йил ўтиб, давр талабига мувофиқ қишлоқдаги янги, 954 ўринли Жалил Абдуллаев номли заковат мактабини қишлоқ оқсоқоллар кенгаши раиси Фарҳод Абдуллаев ўғли Нурсултон (депутат) билан банкдан олинган насия ҳисобидан барпо этиб, фойдаланишга топширди. Давлатимиз раҳбарининг топшириғига мувофиқ, вилоятимиздаги барча умумтаълим мактабларида таълим жараёнини бир навбатга кўчиришдек улкан вазифанинг ижросини таъминлашга муносиб ҳисса кўшишди.



Югнак қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Иброҳим Отажонов билан мактабга ташриф буюрди. Илм масканининг сифатли қурилган кўп қаватли биноси кўнгилларга завқ бағишлайди. Мактаб ҳовлисида зилол булоқ билан боғлиқ муқаддас қадамжолардан бири аксини топган, кўзалардан куйилаётган шаффоф шаршара дилга мунавварлик бахш этади.

Фарҳод Жалил ўғли ёш авлод саломатлиги учун барпо этилган замонавий уйингоҳлар ҳақида гапирди. У мактаб директори, таълим соҳасида 34 йиллик тажрибага эга муаллима, Тошкент давлат университетининг кимё факультетини тамомлаган Мухаббат Абдувоситова, ўринбосарлари Мирзо-Ферузбек Абдумутов, Абдурасул Қаҳҳоровлар билан таништирди.

Уқув биносида УВУ фахрийси, устоз Жалил Абдуллаевга бағишланган кўргазма билан танишдик. Мактаб директори Мухаббат Зибибулла қизи илм масканидаги математика йўналиши ҳақида маълумот берди. Бугунгача 954 ўринли мактабга 700дан зиёд ўқувчи А. Югнакий ҳамда Чипон қишлоғидаги М. Маметова номли мактаблардан келди. Бу жараён давом этмоқда. Табиийки, мазкур заковат мактаби фаолиятини бошласа, қишлоқдаги иккита мактабда синфхоналар



етишмаслиги муаммоси ижобий ҳал бўлади. Устозлар сони 60дан зиёд. Таълим даргоҳидан узоқда яшайдиган ўқувчилар мактабга махсус автобусларда бепул етказилади. Эзгу иш учун ота-бола ҳомиёларга муштарийлар номидан миннатдорчилик билдирдик.

Таълим даргоҳидаги барча ўқитувчилар ва ходимлар келгусида “Жанубий Қозоғистон” газетасининг фаол обуначилари бўлишига ишончимиз қомил. Бу мавзу шу ерда яна бир қарра муҳокама қилинди.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Тасвирларда: Фарҳод Абдуллаев; мактаб директори ҳузурида; мактаб биноси; ажойиб шаршара.
Муаллиф тасвирлари.

ТАЙИНЛАШ

Даулетхан Алашбаев (тасвирда) Сайрам тумани маданият, тилларни ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спорт бўлими раҳбари этиб тайинланди.

Д. Алашбаев 1984 йили Қорасув қишлоғида туғилган. Шимкент аграр коллежида, “Мирас” ва “Шимкент” университетларини тамомлаган. Турли йилларда “Сайрам туман Маданият уйи” директорнинг ўринбосари, директори, “Сайрам ақшами” телеканали ходими вазифаларида хизмат қилган.

Даулет Рисбекулига янги лавозимда муваффақиятлар тилаб қоламиз!

З. МҮМИНЖОНОВ.



»» Брифинг

БОЛАЛАР НИМА БИЛАН БАНД?

Вилоятимизда боласини кечки пайт қаровсиз қолдирган қарийб 4500 нафар ота-она жавобгарликка тортилди. Бу ҳақда вилоят полиция хизмати бошқармаси бошлиғининг вазифасини бажарувчи Б. Ахметов маълум қилди.

Вилоятимиз полициячилари болалар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу борада тартиб соқчилари вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида рейдлар ўтказмоқда. Йил бошидан буён кўнгилочар ўринларида юрган 198 нафар вояга етмаганлар аниқланди. Уйдан ташқарида юрган 4358 ўсмирнинг ота-онаси маъмурий жавобгарликка тортилди. Вояга етмаганларнинг тунги пайтда кўнгилочар манзилларда бўлишига имкон берган 104та муассаса соҳибига баённома тўлдирилган. Ҳуқуқбузарликка мойил 427 нафар болага ҳамда бола тарбиясига эътиборсизлик билан қараган 268 оила ҳисобга олинди.

Тунги пайтда қиморхоналар, компьютер уйинхоналари вояга етмаганлар билан гавжумлиги аянчли ҳолат.

Рухшунослар бежиз бонг уришмайди. Фарзандларингиз кўл телефонига тикилиб, уйда ўтирганидан ҳам ҳайиқади-



рида болаларингиз қандай интернет саҳифаларининг фаол обуначиси эканлигидан воқиф юринг. Агар бордию телефонига калит сўзларни белгилаб қўйган бўлса, ундан икки қарра хавотирланишингиз ўринли. Ҳаёт қизиқ – болалар кўл телефонларини биз, ота-оналар харид қиламиз, уларнинг ойлик тўловларини ҳам биз тўлаб турамыз ва айнан, бизга ундаги ахборотларга чеклов қўйилган. Уша матоҳда нима борлигини билиш ҳуқуқидан умуман маҳруммиз.

Кўл телефонини ишлатиши учун аниқ вақт белгилаб қўйиши ҳам ўринли. Болаларнинг турли спорт тўғарақларида, турли машғулотларга қатнашиши муҳим.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, вилоятимизда ўсмирлар томонидан содир этилган жиноятлар 11,6 фоизга камайди. Бунга ўқувчиларнинг ёзги соғломлаштириш оромоҳларида дам олгани сабаб бўлди. Шу билан бирга, чўмилиш мавсумидаги эҳтиёт чораларини уюштириш мақсадида полиция, фавқулодда вазиятлар хизматлари билан биргаликда тушунтириш ишларини олиб боришмоқда.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

Фарзандлари келажги учун мактабдан бошлаб барча мутасадди муассасаларни айб-лашга одатланиб қолган ҳамда ота-оналик масъулиятини ҳам устозларга юклаб қўйган ота-оналар жазога тортилмоқда.

ган кунлар келди. Турмушдаги бурчларингиз ҳамда вазифаларингизни тўқис адо этаётганингиздан хурсанд бўлиш бароба-

Ўзларининг касб байрами – Қурувчилар кунини салмоқли ютуқлар билан қарши олган шижоатли бунёдкорлар фидокорона меҳнати ила Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса кўшиб, эл-юрт ҳурмати-га сазовор бўлишяпти. Ҳар йили август ойида қурувчилар бир йиллик меҳнатини сарҳисоб қилиб, янги вазифаларини белгилашади, илғорлар рағбатлантирилади. Жорий йил ҳам бундан мустасно бўлмади.

– Дарҳақиқат, қурувчилар ғайратига тасаннолар айтса арзийди, – дейди Тўлебий туман қурилиш ва сармоа бўлимининг етакчи мутахассиси К. Шанбаев. – Туманда шу йилнинг биринчи ярмида тармоқдаги асосий кўрсаткичлардан бири – капитал маблағ ушлаштириш ҳажми бир ярим баравар ошди. Ниманинг ҳисобидан дейсизми? Иқтисодиётнинг барча соҳаларидаги улкан бунёдкорлик ишлари ҳисобидан. Туманда бир вақтнинг ўзида турли давлат дастурлари бўйича икки мактаб ва кўприклар, ижтимоий, маданий маиший бино-

ҚАЛБИДА БУНЁДКОРЛИК ИШҚИ ЁНГАН ЭЛ

лар барпо этилмоқда. Ва юзлаб қурувчиларнинг тинимсиз меҳнати туфайли ушбу рақамнинг салмоғи ой сайин, қолаверса, кун, соат сайин ошиб бормоқда. “Тоза сув” дастури доирасида деярли барча қишлоқларга тоза ичимли сув етказиб берилди.

Кўриб турганингиздек, Тўлебий туманида ҳам асрларга татигулик ишлар, улкан бунёдкорлик юмушлари адо этилмоқда. Ҳеч шубҳасиз, ана шундай улкан бунёдкорлик майдонларида қурувчилар кеча-кундуз муболағасиз чинакам матонат билан ишлашяпти. Ўнлаб қурилиш ташкилотлари, юзлаб бунёдкор отряд ва бригада-лар, йўлсозлар, турли энг замонавий, қудратли техникалар ана шу мўъжизавий қурилиш юмушлари билан банд. Ҳақиқатан ҳам бу жабҳада амалга оширилаётган ишларнинг аҳамияти гоят залворли. Мамлакатимизда йўл транспорт тизимини янгилаш, ана

шу асосда юртимизда иқтисодиётнинг янги, нурили уфқларини очишдек олий мақсадлар мужассам.


Юзлаб чироқлар ёруғида ҳатто кечалари ҳам давом этирилайётган ушбу улкан қурилишларнинг халқимиз келажиги учун нақадар катта манфаат касб этишини англаш мушкул эмас. Энг қувонарлиси, ёшларимизнинг ҳам ўзлари ташаббус билан чиқшиб, мана шундай улғу ишларда, улкан қурилишларга ўз ҳиссаларини қўшаётганликларидир. Шубҳасиз, ушбу қурилишда қатнашиш, меҳнат қилиш ёшларимизга эртанги кун учун яратиб берилаётган имкониятлардан биридир. Чунки улар бугунги заҳматли меҳнатлари орқали ўз келажакларини қурадилар, эртанги кунга нисбатан бўлган ишончларини мустаҳкамлаб бордилар.

С. МИРЗО.

»» Яхшилар ёди

ХОЛИС ХИЗМАТИ БИЛАН ТАНИЛДИЛАР

Эски Иқон қишлоғининг асл фарзанди, коллеж барпо этган заҳматкаш устоз, вилоят маслаҳатига бир неча бор сайланган, эл қорига камарбаста депутат, юнон-рим кураши бўйича жаҳон биринчилиги совриндори Муталлиб Йўлдошев “Жанубий Қозоғистон” газетасининг фаол жонкуяри эди.



Ҳар сайлов мавсумида сайловчилар орасида тинимсиз ташвиқот ишларини юритиб, пировардида унинг мутлақ кўп овоз билан сайланишига эришардик. Газета саҳифаларида депутатимизнинг серқирра фаолияти батафсил ёритилган. Туркистонлик муаллим Ҳусан Убайдуллаевнинг илтимосига биноан унинг яқин қариндоши қогозбозлик туфайли пайсалга солинган нафақа муаммосини тезда ҳал қилиб бергани жуда кўп мисоллардан биридир.

Муталлиб Маъмир ўғли 2015 йил 13 август – таваллуд кун



арафасида 59 ёшида вафот этди. Умр йўлдоши, таниқли шифокор Насиба Абдулаҳад қизи ташаббуси ҳамда фарзандларининг саъй-ҳаракатлари билан “Меҳр қолур, муҳаббат қолур...” “Меҳр қолур, муҳаббат қолур...” деб номланган 200 саҳифали хотира китоби 2020 йили нашрдан чиқди. Фаол обуначиларимиз Раҳматжон Абдусатторов, Ирода Мухаммаджонова, Бобожон Ёқубов, Айниддин Абубакиров, Ажажон Иззатуллаев каби кўплаб ҳамюртларимиз марҳум ҳақида дил изҳорларини ушбу китобда баён этишган. Китоб ёш авлод учун ибрат мактаби бўлиб

қолди. Унинг қудратли кучи ҳам шундадир.

Муаллиф, М. Йўлдошевнинг умр йўлдоши Насиба Абдулаҳад қизи ҳам чин дунёга рихлат қилди. Элга хизмат қилиб, дуо олган зиёли ота-оналарининг хайрли ишларини фаол обуначиларимиз Маъмирхон, Машҳура, Элмир, Сарвар исмли қобил фарзандлари давом эттирмоқда.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: китоб; М. Йўлдошев умр йўлдоши Насиба Абдулаҳад қизи билан.

»» Футбол

ТУРКИСТОН ЖАМОАСИ – СОВРИНДОР

Алмати шаҳрида 2013-2014 йили таваллуд топган ўсмирлар ўртасида “Спорт кун” арафасида футболдан халқаро турнир ўтди.

Унда Туркистон жамоаси 3-ўринни эгаллади. 16 жамоа куч синашган мусобақада Туркистон шаҳар “Болалар ва ўсмирлар спорт клуби жамоаси” илғорлар қаторидан жой олди.

Турнирга қизгин тайёргарлик кўрган Еркебулан Қунарбаев Европа футбол ҳамжамияти аъзоси. Спорт клуби иш бошлаганига 3 йилдан ошди. Шундан буён вилоят марказида турли тадбирларга раҳбарлик қилиб, бир қанча лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Клубда шахмат, теннис, стритбол, қозоқ кураши, футбол, шашка, тўққизқумалоқ сингари спорт турлари бўйича 24 нафар мураббий фаолият юритмоқда. Айни пайтда рўйхатдан ўтган спорт тўғарақларига 1400га яқин спортчи қатнашмоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Публичные договора ТОО «Керкем аймақ», опубликованные в областной общественно-политической газете «Жанубий Қозоғистон» в № 65(3410) и № 66(3412) от 15-18 июня 2024 года СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.

БУЮК ОҚИННИНГ ИЖОДИ УЛУҒЛАНДИ



Бу йил буюк аллома, қозоқ шоири, мутафаккир Абай Қунанбаев таваллудининг 179 йиллиги нишонланди.

Шу муносабат билан Ленгер шаҳрида "Абай" хийбонидаги ҳайкал пойига гуллар қўйилиб, ҳурмат бажо келтирилди. Туман хокими вазифини бажарувчи

Сержан Дуйсебаев йиғилганларни байрам билан табриқлаб, эзу тилакларини билдирди. Туман марказлаштирилган кутубхона тизимида "Абайни ўқиймиз" адабий фестивали ташкил этилиб, китобхонлар томонидан буюк шоирнинг шеърлари ва «Насихатлар»идан ўқиби, куй-қўшиқлари ижро этилди. Шунингдек,

"Абайнинг 130 ишқий лирикаси" мавзусида китоб кўрғазмаси ташкил этилди.

Учрашув сўнггида фаол китобхонлар ташаккурнома ва совғалар билан тақдирланди.

Тўлебей тумани ҳокимлигининг матбуот хизмати.

»» Устоз минбари



Ёшлар тарбиясида маънавийнинг ўрни бекиёс. Бола тафаккурини шакллантириб, дунёқарашини белгилайдиган маънавий кадрлар – яхшилик ҳамда эзгулик, меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оилада қарор топади.

Боланинг онги, асосан, мактабда ёшда шаклланишини инобатга олсак, айнан шу давр-

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ВА МАЪНАВИЯТ

да унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавийнинг илк куртаклари намён бўла бошлайди. Халқимизнинг "Қуш уясида кўрганни қилади", деган доно мақоли мана шу азалий ҳақиқатни яққол акс эттиради.

Оилавий тарбия масаласида хатога йўл қўймаслик учун, аввало, ҳар қайси хонадондаги маънавий иқлимни ўзаро эҳтиром, ахлоқ-одоб, инсоний муносабатлар асосида қуриш айтиш мумкин.

Болаларни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, юксак даражадаги ахлоқ-одоб, маънавий асосида вояга етказиш биз, ўқитувчилар учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келган. Бу масалага жиддий эътибор қаратмаслик нафақат айрим ота-оналар, балки бутун жамият учун жуда қимматга тушишини ҳам кўпгина ҳаётимисолларда кўриш мумкин.

Маънавий ҳаётимизни юксалтириш ҳақида сўз борганда,

таълим билан бир қаторда, болаларнинг китобхонлик даражасини юксалтиришга асосий эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камоли ва миллат равнақининг энг асосий шартини деб билган. Халқимизнинг эртанги қуни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ.

Ота-она ва устоз бола тимсолида, аввало, шахсни қўриши зарур. Фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, комил инсонлар сифатида вояга етказиш – таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсди ва вазифини бўлиши лозим.

Саида ҚОЛМАТОВА,
"Турон" мактабининг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.
Саврон тумани.

»» 12 август – Халқаро ёшлар куни

ОИЛА – ЖАМИЯТНИНГ ГАВҲАРИ

Оила – ҳақиқий маънавий ўчоғи ҳисобланади. Энг қимматли аъёналар: **иймон, виждон, ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарм-ҳаё, меҳр-оқибат ва бошқа олижаноб инсоний фазилатлар, энг аввало оилада шаклланади.**

Ота-онанинг фарзанд олдидagi бурчи ниҳоятда улкан ва маъсулиятлидир. Шу маънода, яхши инсон яхши тарбияси билан камолга эришади, илми маърифатли бўлади, ҳалол ҳаёт кечириш учун муносиб касб-хунар эгаллайди. Касби орқали ота-онасини, оила аъзоларини боқади. Яхши тарбия кўрган бу фарзанддан ҳамма рози бўлади. Тарбия кўрмаган фарзанд энг аввало ўзига жабр қилади. Нима яхши-ю, ёмонлик нимагини ажрата ололмайдём йўлларга кириб кетиши оқибатида ҳаёти машаққатли бўлади.

Аждодларимиз фарзанд тарбиясини ўз фаолиятидаги энг устувор вазибалардан бири,

деб қараганлар. Чунки миллий кадрлар ва умуминсоний фазилатлар талабига мос руҳда тарбияланган фарзанд нафақат ота-она, уруғ-аймоқ, балки бутун шажаранинг ҳам обрўсини юксалтирган. Оиладаги маънавий ахлоқий тарбия, аввало ота-оналарнинг, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари орқали сингдирилади. Ўзаро иззат-ҳурмат, хушмуомалалик, меҳр-оқибат ва барча эзгуликка йўналтирилган юксак ахлоқий фазилатлар жуда катта аҳамиятга эгадир.

Баркамол шахсни тарбиялашда маънавий-ахлоқий тарбия жараёнини шакллантириш анча мураккаб. Шахс маънавияти, унинг дунёқарашини, эътиқодига кўникалар асосан оилада ташкил топади.

Оила, унинг асрлар давомида сақланиб келаётган муқаддас аъёналари орқали ёшларда ватанга муҳаббат, иймон-эътиқод, маъсулият, ватанпарварлик, инсонпарварлик, илмга иштиёқ,



меҳнатсеварлик кўникмалари шаклланади.

Минг афсуски, жамиятимизда ажрашиллар сони ортмоқда. Биргина қоғоз билан оилалар ажрашиб кетаяпти. Сўнг эр ҳам, хотин ҳам бошқа оила қуриб яшайверади. Лекин болалар-чи? Тирок етимларнинг охи фожиа эмасми? Оилани жамиятнинг гавҳари деб улуғлайдилар. Уйимиздаги дур ва гавҳарларни ардоқлаб асраймиз. Оилани-чи?

Ўзимизга шу саволни берайлик-да, жавобини қатъият билан айтилайлик. Балки никоҳдан ажратиш тўғрисидаги аризани ёзишдан аввал етти ўйлаб бир кесармиз...

Қайрат КУЗЕМБАЕВ,
Туркистон кўп соҳали техник коллежи устози.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомира МАДАЛИЕВА. +7701-610-51-22.
Кентов, Сўзёқ – Ғўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.
Тўлебей – Баҳорой ДУСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт – Хуршид КҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90.
Тулқибаш – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетсай, Мақтаарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоч – Малика ЭЛПОЕВА. +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сийсий газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва билдирүүларида факт ҳамда даъватларнинг тўғриликши уқун идратиблар, реклама ва эълон берүүлалар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайдди.
Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирилиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди.
KZ34VPY0022503 ғувоҳнома берилган.
«ERNUR-online» МЧБ Ёсомақонда чол этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

МАНЗИЛИМИЗ:

160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсатқичи – 65466. Адади – 11200 нусха.
Бўғорма: 1988.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

"Исмимни одам қўй-
гандан кейин, қандай но-
дон бўлайин"
А. Қунанбаев.

АСЛ СЎЗНИ ИЗЛАСАНГ – АБАЙНИ ЎҚИ!

Қорамурт қишлоқ кутубхонасида "Абай қуни"га бағишланган тадбир ўтди. Унда буюк аллома, шоир, қозоқ адаби Абай Қунанбаев ҳаёти ва ижодига бағишланган китоб кўрғазмаси уюштирилди. Тадбирда шоирнинг уч тилга ўғирилган китоблари билан танишдик.



Абайнинг 45та "Насихатлар"и кўп тилларга таржима қилиниб, ёшларнинг илмга иштиёқини кучайтириб, тарбиявий аҳамияти ортмоқда. Биз, кутубхоначилар ҳам китобсевар ёшларга мана шундай буюк ёзувчиларимизнинг асарларини ўқишга ва маънавий олами билан танишишни тавсия қиламиз.

Марҳабо КЕНЖАБОЕВА,
Нигора РЎЗАҚУЛОВА,
Қорамурт қишлоқ кутубхоначилари.

ТАРБИЯГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Ленгер шаҳрида Тўлебей туман таълим бўлими, прокуратура, фахрийлар кенгаши ҳамда ота-оналар кўмитаси вакилларининг йиғилиши ўтди.

Унда умумий таълим муассасаларида ўсмирларни тарбиялаш жараёни, балоғат ёшига етмаганлар орасидаги ҳуқуқбузарлик ҳамда салбий ҳуқуқ-атвор шаклланишининг олдини олиш масалалари муҳокама қилинди.

Туман фахрийлар кенгаши раиси А. Шингисбаев янги ўқув йилидан бошлаб ўқувчиларнинг таътил пайтида, ота-оналар назоратисиз смартфонлардан фойдаланишига чек қўйиш таклифини ўртага ташлади.



Ушбу таклифни ота-оналар кўмиталари қўлаб-қувватлади.

Туман ота-оналар кўмитаси оммавий ахборот воситалари саҳифаларида Мурожаат эълон қилишга қарор қилди.

"Хурматли ота-оналар! Авлод тарбиясида миллий кадрларга амал қиладиган буварлар ва бувилар! Бола тарбиясида замонавий тарбияга кўпроқ аҳамият берадиган оталар ва оналар!

Ҳар бир инсон ўз замонасининг фарзанди. Бугунги авлоднинг тақдири башариятнинг ривожланган даврига тўғри келди. Бу эса, қайси соҳада бўлмасин, одамга зарур нарсаларнинг барчаси ҳозир нозир, демакдир.

Бу, бир томондан яхши бўлса, иккинчи томондан авлод тарбиясига ўз таъсирини ўтказмай қўяётгани йўқ. Бунга мисол: замонавийлашмиш, деб бола тарбиясидаги миллий кадрлардан йироқлашиб бораёймиш ёки халқимизнинг асл ўғлини Б. Мўмишули айтганидек, алла айтмайдиган оналар, эртақ сўзлаб беролмайдиган бувилар, шажара билмайдиган боболар кўпайди. Онда моддий бойликларга мойилликнинг кучайиши оқибатида маънавий кадрлардан узоқлашиб, бола тарбиясида ўрни тўлмас нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Замон ўзгариб, халқнинг ижтимоий аҳволи яхшиланди. Бу қувонарли ҳол. Бинобарин, бунинг иккинчи томони бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Болаларнинг қўлида қимматбаҳо смартфонларни кўриш мумкин. Уларнинг ман этилган ахборотлари тинглаши, ҳали яхши ёмоннинг фарқи бормайдиган ўсмирларнинг ундан фойдаланиши ҳамда уни ихлос билан қабуллаши пировардида ўлимга олиб келмоқда. Хавфли сайтларга кириб кетган ўсмирлар кечалари ухламайди, донда хаёли паришон ҳолда ўтиради, руҳияти бузилиб, ўз ҳаракатлари учун онгли равишда жавоб беролмайдилар.

Ота-оналарнинг бола тарбиясига ўз даражасида эътибор бермаётгани, кун бўйи қаерларда, ким билан юрганлиги сўраб-суриштирилмаслиги туфайли ўсмирлар орасида ҳуқуқбузарлик ва салбий ҳаракатлар кўпайиб бормоқда.

Болаларнинг узлуксиз келаётган ахборотлар оқимидан кўр-кўрона, ўзбошимчилик билан фойдаланиши оқибатлари кўриниш бермоқда.

Кеча устозини улуғлаган авлоднинг бугунги кунда майдаланиб кетиши, туҳматлар уюштириб, муаллимга қўл кўтариши, судга етаклаши сингари мисли кўрилмаган нохуш ҳолатлар ҳам жамиятдаги авлод тарбиясига салбий таъсир қилмоқда.

Шу муносабат билан ёрқин келагимизнинг гарови бўлмиш бола тарбиясидаги асосий шахслар – ота-оналарга мурожаат қиламиз:

Авлодимиз онгли, қизимиз ибодли, ўғлимиз улуғ бўлсин десак, кечаги Абайдай, Шўқандай, Мухтардай, Турардай шахсларни тарбиялаб етиштирган миллий кадрларга амал қилайлик.

Агар авлод келажаги учун қайғурмасак, фарзандининг қимматбаҳо смартфон олиб юришига чек қўяйлик. Уйдаги ижтимоий тармоқда қачон, қандай алоқада ўтириб, қандай маълумот олаётганини қатъий назорат қилайлик. У билан боғлиб туришни истасак, бола кўлига оддий телефон берайлик.

Болаларимизни ҳар томонлама ривожлантириш учун уларнинг турли спорт, ҳунар ва бошқа тўғарақларга қатнашини ҳамда у ердаги дўстлари ким эканини доимо назарда тутайлик.

Бола – навихол. Қандай тарбияласак, шундай ўсади. Шу боис, болаларнинг ёнида кўпроқ бўлиб, ички дунёсини кузатайлик, уларга сирдош дўст бўлайлик.

Яхши ўқувчи – масъулиятни ҳис қиладиган бола. Шундай экан болалар билимни қандай ўзлаштираётганлигини ҳам назорат қилайлик.

Мактаби ва устозлари билан узлуксиз алоқада бўлайлик. Тарбияда йўл қўйилган хатоликни мактабдангина изламай, таълим ва тарбия бериб келаётган Устозини улуғлашни ўргатайлик.

Бола тарбиясидаги асосий масъулият – ота-оналар, ўзимизда эканлигини доимо ёдда сақлайлик", дейилади Мурожаат матнида.

С. МИРЗО.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазжон БҮРҲОНБОЕВ.

Масъул котиб – Шаҳноза УСМОНОВА.

Навбатчи муҳаррир: Мухтабар УСМОНОВА.